

Жаннат сари етаклаган дуо



11:30 / 31.03.2022 5032

Имом Шофейй вафот этганларида шогирдларидан бири тушида кўрди ва сўради: «Эй имом, Аллоҳ таоло сизга қандай муомала қилди?»

У зот: «Валлоҳи, Аллоҳ мени мағфират қилди, раҳм қилди ва жаннатга кириш шодлиги билан икром қилди», дея жавоб берибди. Шогирд яна сўради: «Бу ниманинг сабабидан бўлди?».

Имом Шофейй: «Рисола» китобимнинг аввалида ёзганларим сабабли (мағфират қилди)», жавоб берибди.

Уйқудан уйғонган шогирд кутубхонасига борди ва «Рисола» китобини очиб варақлади ва китоб муқаддимасида ушбу сатрларни топди: «Аллоҳумма солли ʻалаа Муҳаммад маа закараҳуз заакирууна ва солли васаллим ʻалайҳи маа ғофала ʻан зикриҳил ғофилуун».

Маъноси: Эй Аллоҳим, Муҳаммадга зикр қилувчиларнинг зикрлари қадар ва ғофил қолувчиларнинг унинг зикрини унутганлари қадар салавот ва салом айтгин.

Ушбу «Рисола» (Мактуб) асари — имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеий раҳматуллоҳи алайҳ томонидан таълиф этилган китоб. Мазкур китоб ёзилишига Абдуррахмон ибн Маҳдийдан келган хат сабаб бўлган. Хатда ёзилишича, ўша пайтда баъзи одамларнинг Қуръон ва ҳадисларни нотўғри шарҳлаган ҳолда ҳукм чиқаришлари кўп содир бўлиб турган. Имомдан ушбу муаммо бўйича бирор кўрсатма беришини илтимос қилинган эди. Имом Шофеий ушбу хатга жавобан бир мактуб ёзади. Унда манбалар, Қуръон ва ҳадисда ишлатилган сўзларнинг омм ва хос, луғавий қоидалар ва насх, Пайғамбаримизнинг ҳатти-ҳаракатлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти, ижмоъ, хабарлар ва уларнинг турлари ҳамда далил сифатидаги ўрни, қиёс, истехсон, ижтиҳод ва бошқа масалаларни атрофлича ёритган. Кейинчалик ушбу мактуб усулул фиқҳ бўйича ёзилган илк асар бўлиб, ҳозирги кунда «Рисола» номи билан машҳур.

Манба: arabicuz